



Козогистонда «Жулдыздар отбасы — Аңыз адам» («Юлдузли уй – Афсона-одам») журналининг апрель сони Адольф Гитлернинг 125 йиллигига багишланди. Бу ҳақда REGNUM ахборот агентлиги [хабар бермоқда](#).

Агентликнинг хабар беришича, журналда нацистлар Германияси етакчисининг «кўп киррали шахс» эканлиги муҳокама қилинади: хусусан, «Гитлер – фашист эмас» мақоласида муаллиф нацистлар дохийсини оқлаб чиқади. Яна бир мақола эса Гитлернинг «Майн Кампф» китобига багишланган (Козогистон ёшлари медиа-иттифоқи мувофиқлаштирувчиси Руслан Минулиннинг [сўзларига кўра](#), журналда, жумладан, «Майн Кампф»да «кўплаб муаммолар тўғри баён қилингани»ни тасдиқловчи таъкидларни топиш мумкин).

«Жулдыздар отбасы — Аңыз адам» журнали козок тилида чоп этилади. Медиа-иттифок вакилининг маълумотларига кўра, журнал адади 25,2 минг нусхани ташкил этади. Журнал нархи – 250 танга (тахминан 2,5-3 минг сўм).

2013 йили самолётда маст ҳолатда жанжал келтириб чиқарган Жарилкап Калибай журнал бош муҳаррири ҳисобланади. Калибайнинг ўзи кейинчалик айбини қисман тан олиб, самолётда у ўзининг «хизматларни давлат тилида қабул қилиш» ҳуқуқидан фойдаланишга ҳаракат қилганини таъкидлаганди (унинг айтишича, авиакомпания ходимаси у билан фақат рус тилида гаплашишга ҳаракат қилган).

Журналнинг Гитлерга багишланган сони Козогистон Алоқа ва ахборот вазирлиги эътиборига тушган. Zakon.kz'нинг [хабар беришича](#), агентлик журнал мундарижасида «Козогистон Конституцияси ва қонунчилигининг ижтимоий, миллий, ирқий ёки диний гараз келтириб чиқаришга доир қисмлари бўйича қоидабузарликлар» борлигини маълум қилган. Шу муносабат билан, амалдорлар журналга нисбатан чора кўришга ваъда беришган.

«[Интерфакс](#)» ахборот агентлигининг хабар беришича, журнални Олма-Ота ички сиёсат бошқармасида ҳам ўрганиб чиқишмоқда. «Журнал столимизда турибди. Журнал экспертизадан ўтказилиши ва унда фашизм тарғиботи бор-йўқлиги тасдиқланиши керак», – дейишди бошқарма вакиллари.

Нашр муҳаррири журналнинг янги сони атрофида юзага келган шов-шувни изоҳларкан, у Гитлер каби шахслардан халққа қанчалик зарар етиши мумкинлигини кўрсатмоқчи бўлганини таъкидлади. Унинг қайд этишича, ушбу мавзуга эътиборни жалб қилишдан мақсад – «Козогистонни кўшни мамлакат – Россия империяси ҳукмдорининг хавфли сиёсатидан ҳимоя қилиш истаги» бўлган.

Манба: kun.uz